



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 25 май, № 107 (7065)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон ахборот макони глобаллашувининг кучайиши оммавий ахборот воситалари соҳасида дунёда содир бўлаётган воқеаларга тез ва мос равишда муносабат билдириш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик қайта ўзгаришлар ҳақида республика аҳолисини, дунё ҳамжамиятини ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилиш тизимини такомиллаштириш масаласи энг долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, давлат ва нодавлат даврий босма нашрлар, телерадиостудиялар, тахририят-матбаа комплексларининг микдор ва сифат жиҳатидан ўсиши, фуқаролик жамияти институтлари, реклама агентликлари, ахборот хизматлари, медиа коммуникация, интернет журналистикасининг шаклланиши рақобатбардош, янгича шарт-шароитларда ишлай оладиган журналист кадрларни тайёрлаш заруратини таъкидлаш мумкин.

Жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади. Бу борада чинакам миллий журналистика мактабини шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини, ахборот ва интернет тармоғидаги таҳлилий сайтларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда юртимизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчасига юқори малакали кадрлар зарур. Бироқ мамлакатимизда бундай кенг қўламли вазифани ҳал этадиган таянч олий таълим муассасаси мавжуд эмас.

Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида журналистиканинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий тараққиёти, бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ва ижодий ишлар самарадорлигини таъминлаш ҳамда ушбу соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) ташкил этилсин.

(Давоми 2-бетда).



Хушхабар

Наманганда автомобиль заводи қурилади

Давлатимиз раҳбари жорий йил 2-3 май кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида ҳудудда “Hyundai” автомобилларини ишлаб чиқариш корхонаси қурилиши ҳақидаги хушхабарни айтиб, вилоят аҳлини қувонтирган эди.

Кеча унинг ижроси юзасидан дастлабки қадам ташланди — Корея Республикасининг “Evergreen Motors Group” компанияси президенти Ким Чанг Кён мазкур лойиҳа бўйича амалий музокаралар ўтказиш учун Наманган вилоятига ташриф буюрди. Вилоят ҳокимлигида ўтказилган учрашувда Ўзбекистон — Корея Республикаси ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлигининг бугуни ва истиқболлари хусусида сўз борди.

(Давоми 2-бетда).



«Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистон эски сиёсий траекториядан узоқлашиб, мутлақо янги жараёни бошдан кечирмоқда»



АҚШнинг нуфузли
“The National Interest” журналида
чоп этилган мақолада
ана шундай фикр билдирилади.



Мақола муаллифи — таниқли таҳлилчи, Америка ташқи сиёсат бўйича кенгаши (“American Foreign Policy Council”) вице-президенти Илан Берманининг ёзишича, 2016 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ла-возимига сайланганидан сўнг Шавкат Мирзиёев мамлакат ҳаётининг барча жабҳасини қамраб олган туб ислохотларни бошлади. Мазкур жараёни ягона тизим-га солган ҳужжат сифатида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўнали-

ши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қайд этилади.

“Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакат эски сиёсий траекториядан узоқлашиб, мутлақо янги жараёни бошдан кечирмоқда. Хусусан, иқтисодий соҳада республика хорижий сармояларни жалб қилиш учун қатор муҳим қарорларни қабул қилди, улар орасида хорижий валюта ҳара-кати устидан назоратни енгиллаштириш алоҳида ўрин тутди. Натижада қисқа муд-датда ички ҳамда ташқи савдо ҳажми ор-ти, ўзбек ишбилармонлари ва компания-лари миллиардлаб долларлик шартнома ҳамда битимларни имзоладилар”, дейи-лади материалда.

Сиёсий жабҳада амалга оширилган ўз-гаришлар ҳақида сўз кетганда, муаллиф суд тизими мустақиллигининг мустаҳкамланиши, хавфсизлик органлари фаолиятининг тартиб-га келтирилиши, фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясининг ортишини алоҳида таъкидлайди.

(Давоми 2-бетда).



Бухоро: ҲАР БИР ИНСОН БАХТЛИ ЯШАШГА ҲАҚЛИ

Вилоятда амалга оширилаётган ислохотлар айнан шу мақсадга қаратилган.

Юртимиз янгиланиш жараёнини бошдан кечираяпти. Шаҳару қишлоқларимиз узра ўзгаришлар эпкини эсмоқда. Ободончилик юмушлари авжида. Эл-юрт бунёдкорлик оғушида. Муҳими, бу янгиланишлар халқимизнинг тинч ҳамда фаровон турмуш кечиришига, одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашларига хизмат қилаяпти.

Маърифат ва маънавият бешиги саналган Бухорода ҳам бунёдкорлик, яратувчанлик юмушлари янги босқичга кўтарилмоқда. Президентимизнинг шу йил 16-17 февралда мазкур вилоятда бўлиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишгани бунга яна бир қарра туртки берди.

Президент ташрифидан сўнг...

Давлатимиз раҳбарининг “2017 — 2020 йилларда ша-ҳарларда арзон кўп кварти-рали уйлари қуриш ва ре-конструкция қилиш дастури-ни самарали амалга ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори аҳолининг уйга муҳ-тож қатлами турмуш дара-жасини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Бухоро-да ўтган йили 252 та квар-тирадан иборат етти қават-ли олтига замонавий уй қуриб битказилди. Орадан кўп ўтмай, аҳоли тилида

“7-мавзе” деб аталадиган мазкур ҳудудда яна бир нечта кўп қаватли тураржой қад ростлади. — Оилада тўрт кишимиз, — дейди Мухайе Содикова. — Бизга уч хонали квартира ажратилди. У ҳудди орзу қилганимиздек. Шинам, ар-зон ҳамда яшаш учун қулай. Ҳар бир квартира алоҳида иситиш қозони билан таъ-минланган. Болаларимиз учун ўйин майдончалари барпо этилган. Жуда хурсанд-миз. Уйлар 20 йил муддатга имтиёзли кредит асосида берилаётгани ҳам айни муд-

даодир. Илгари ижарада яшардик. Энди у кунлар ортда қолди. Дарҳақиқат, Президенти-миз қай бир вилоятга бор-масин, энг аввало, одамлар-нинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг ўз ҳаёт-ларидан рози бўлиб яшаш-ларига эришиш юзасидан йўл-йўриқ, топшириқлар бер-моқда. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Бухоро бугун улкан қурилиш майдонини эслатади. Мана, Бухоро — Когон йўли бўйида қад ростлаган кўп қаватли уйларни олиб кўринг.

Балиқчилик кластери

Вилоятда сўнгги йилларда йирик лойиҳалар бирин-кетин амалга оширилмоқда. “Бухо-робаликаноат” масъулияти чекланган жамиятининг биз-нес-режаси ҳам ана шулар-дан биридир. Давлатимиз раҳбарининг балиқчиликни ривожлантириш борасидаги тавсияларига мувофиқ таш-кил этилган бу субъектни “Ишга замонавий ёндашув-нинг намунаси”, дейиш мумкин. Лойиҳа рўёби учун 7 миллиард сўм сарфланди.

(Давоми 3-бетда).



Сенатор мушоҳадаси

Одамлар дилидаги ташаббус илгари сурилди

Президентимизнинг Андижонга ташрифи биз, вилоят аҳли учун жуда қувончли, унутилмас воқеа бўлди.

Туманларни айланиб, аҳоли билан учрашиб, ўтган бир йил ичидаги катта ўз-гаришларни кўрган давлати-миз раҳбари ҳам буни ҳис қилгани, шубҳасиз. Буни Юрбощимизнинг Улуғнор тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари ҳамда мутасадди раҳбарлар иштирокида ўтган видеоселектор тарзи-даги йиғилишда биринчи бўлиб гапирган гапидан ҳам англаш қийин эмас: “Мен аҳоли билан учрашдим, суҳ-батлашдим, уларнинг юз-кўзларида озгина бўлса-да, ишончни, шукроналиқни кўрдим, лекин биз шу ишонч-ни оқлай оламизми? Халқ-нинг кайфияти доимо кўта-

ринки бўлишига эриша оламизми?”

Бу гаплардан сергак тор-тидик. Зимманидаги масъули-ятни янада кўпроқ ҳис этдик. Шавкат Мирзиёев фақат ҳалол ва пок одамгина Президентнинг дўсти бўлиши-ни айтди. “Бугун Андижонда иш бор, лекин бу андижон-ликлар учун кам. Чунки анди-жонликларнинг тажрибаси ҳам, салоҳияти ҳам, билими ҳам етарли. Андижон ҳамма соҳада илгор бўла олади. Чун-ки бу заминда буюк Бобур ав-лодлари яшайди”, деди. Маз-кур эътироф Андижон аҳли учун жуда катта баҳодир.

(Давоми 3-бетда).



Халқ вакиллари — туманларда

Тиббий хизмат сифати, ичимлик суви таъминоти

аҳолини қониқтирадимиз?
Мана шу долзарб масалалар атрофлича ўрганилмоқда.

Муаммонинг чуқур илди-отишига сабаб бўладиган омиллардан бири лоқайдлик саналади. Айни пайтда де-путатлар ҳамда сенаторлар жойларда ҳақиқий аҳвол билан танишиб, ҳар бир масаланинг келиб чиқиш сабабларини синчиклаб ўрганишапти, мавжуд кам-чиликларни бартараф қилиш чораларини кўришмоқда. Ўрганишлар жараёнида аҳолидан ишсизлик, йўл, электр, газ ва тиббиёт со-ҳасига оид билдирилаётган муножаатлар қонуний кўриб чиқишга асосий эътибор қаратилаётди.

Чунончи, пойтахт вилоят-дан сайланган Олий Мах-лис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзо-лари ҳамда айрим вазирлик-лар мутасаддилари, туман Кенгаши депутатларидан иборат гуруҳлар Зангиота туманида бўлиб, мавжуд ҳолатни таҳлил этишмоқда. Уларга сектор раҳбарлари ҳам ҳамроҳлик қилаяпти.

Халқ вакиллари учун фао-лиятини одатдагидек сек-торлар ҳудудларига бўлин-саналади. Айни пайтда де-путатлар ҳамда сенаторлар жойларда ҳақиқий аҳвол билан танишиб, ҳар бир масаланинг келиб чиқиш сабабларини синчиклаб ўрганишапти, мавжуд кам-чиликларни бартараф қилиш чораларини кўришмоқда. Ўрганишлар жараёнида аҳолидан ишсизлик, йўл, электр, газ ва тиббиёт со-ҳасига оид билдирилаётган муножаатлар қонуний кўриб чиқишга асосий эътибор қаратилаётди.

Дастлабки уч кунда де-путатлар 750 та хонадонда бўлиб, икки мингга яқин аҳоли билан мулоқот қилди-лар. Улар томонидан кўта-рилган 192 та муаммонинг 52 таси жойида ҳал этилди. Қолганлари эса ҳал қилиш учун ижрочиларга топши-рилди.

Халқ вакиллари кун тартиби жуда тизимли, режа-лар аввалдан белгиланган. Кун давомида улар билан бирга юриб, иш самара-дорлигига амин бўлди.

(Давоми 2-бетда).



Пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчасида ўтказилаётган анъанавий республика китоб байрамига мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан адабиёт мухлисари, ижодкор-зиёлилар, талаба-ёшлар ташриф буюришапти.



Қарор ва ижро

Президентимизнинг 2017 йил 13 сен-тябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожланти-риш, китоб мутолааси ва китобхонлик ма-даниятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида уюштирилган мазкур тадбирдан ноширлик ҳамда матбаа соҳа-ларида қўлга киритилган ютуқларни на-мойиш этиш, ўзининг ноёб истеъдоди ва

маҳоратини халқимиз маънавиятини юк-салтиришга бағишлаган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириш, аҳолининг китобхонлик кўникмасини яна-да юксалтириш, миллий адабиётимиз ҳамда жаҳон адабиётининг энг сара на-муналарини интернетга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилиш ишларига ало-ҳида эътибор қаратиш кўзда тутилган.

(Давоми 4-бетда).



Бухоро:
ҲАР БИР ИНСОН
БАХТЛИ ЯШАШГА ҲАҚЛИ

Вилоятда амалга оширилаётган ислохотлар айнан шу мақсадга қаратилган.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, 70 гектарлик ҳовуз барпо этилди. Унинг ёнида эса улкан ишлаб чиқариш мажмуаси қад ростлади. Инкубация цехи, усти ёпик бинодаги кичик ҳовузлар, 200 тонна сиғимга эга со-виткичлар, маҳсулотни қайта иш-лаш цехи, озуқа тайёрлаш тиз-ми — буларнинг барчаси кластер-ни ташкил қилади.

— Фаолиятимизга илмий асос-ларда ёндашаямиз, — дейди кор-хона маслаҳатчиси, биология фа-нлари номзоди Даврон Ниёзов. — Инкубациядан чиққан чавоқларни дастлаб кичик, кейин эса махсус ҳовузларда маҳсулотилаймиз. Улар вазини 50 граммгача етказ-иб, махсус ҳовузда қишлатамиз. Қўлдамда эса йирик ҳовузга қўйиб

юборамиз. Бизда қиш фаслида ҳам балиқни интенсив усулда пар-варишлаш имконияти мавжуд.

Корхона тadbиркорлари илгор хорижий тажрибани ҳам чуқур ўрганиб, уни амалда қўллашга ин-тилишмоқда. Жумладан, улар Вьетнамда бўлишди. Инновацион технологиялар асосида балиқ парваришлаш борасида катта тажрибага эга бу давлат вакил-лари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйишаяпти.

“Бухоробалиқсаноат”нинг имко-ниятлари катта. У балиқчилик хўжаликларига чавоқлар ҳам ет-казиб беради. Бу эса вилоятда соҳани ривожлантириш, савдо расталарида лўқмаи ҳалолни янада кўпайтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш сари йўл очмоқда.



Жорий йилда Бухорода 8500 тоннадан балиқ етиштириш кўзда тутилган.

Катта даромад манбаи

“Аҳолитранс” масъулияти чекланган жамияти томонидан чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш корхонаси барпо этил-ди. Бунда собиқ чорвачилик мажмуасининг жамиятга инвес-тиция киритиш шарти билан “ноль” қийматда берилгани қўл келди.

Янги лойиҳани амалга оши-риш учун “Аҳолитранс” тadbир-корлари Хитойдан 970 минг АҚШ доллари қийматидаги за-монавий саралаш линиясини харид қилдилар. Бу ерда шу та-риқа чиқиндиларни саралаш йўлга қўйилди. Дастлабки бос-қичда қирқ киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи-ни амалга ошириш учун хитой-лик ҳамкорлардан умумий қиймати 3 миллион 920 минг АҚШ доллари бўлган сараланган чи-қиндиларни қайта ишлаш уску-налари сотиб олинди. Бу рези-на ҳамда яроқсиз автомашина шиналаридан муқобил ёқилги, шох-шабба, хазон ва ёғоч чи-қиндиларидан брикет кўмир, қурилиш чиқиндиларидан имо-ратбоп блоклар каби жами ўндан зиёғ турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бер-моқда. Бошқача айтганда, маи-ший чиқиндилар тайёр махсу-лотга айланмоқда. Натижада чиқиндини зарарсизлантириш полигонларига эҳтиёж қолмап-ти. Экологик муҳит ҳам яхши-ланаётир. Яна бир муҳим томо-ни, корхона шарофати билан 400 дан зиёғ киши муқим иш ўрнига эга бўлди.

Корхона тadbиркорларидан бири Соҳиб Кенжаевнинг фик-рича, бу ҳали чегара эмас.

— Президентимиз кўрсатма-сига мувофиқ, корхонамиз иш қувватини янада кенгайтириш, ишчилик учун тураржойлар, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва бош-қа иншоотлар қуриш чора-тад-

бирлари кўрилаяпти, — дейди у. — Қисқача айтганда, қаров-сиз ҳолда ётган худуд яшаш учун қулай ҳамда обод шаҳар-чага айланади.

Ноёблиги билан қадрли

Ҳўжа Ашуров ташаббускор юртдошларимиздан. Сабзавотчи-ликка ихтисослаштирилган “Жўйзар Жайхун” фермер хўжа-лиги раҳбари бўлган бу йигит шиншилла боқишни йўлга қўйди. Шиншилла — Жанубий Америкада



Мутахассислар тут баргидан тайёрланадиган ичимлик таркибида кофеин ва танин моддаси кўк чойниқига қараганда бир неча баравор камлигини эътироф этишояпти.

кўп учрайдиган, олмахонсимон қимматбаҳо мўйнали ҳитойдан сирасига қирадиган жонивор. Унинг мўйнасида кийим-бош тайёрланади. Гўшти эса парҳез-боп.

— Давлатимиз раҳбари Бухоро-га ташриф буюрганларида ушбу лойиҳамизни қўллаб-қув-ватладилар, — дейди Х. Ашуров. — Юртбошимизнинг топишиқлар-ига кўра, менга вилоят раҳбар-лари ҳам ёрдам қўлини чўзиш-ди. Ер ажратилди. Банкдан кре-дит олиб, ферма учун бино қури-лишини бошлаб юбордик. Нафа-қат шиншилла, балки норка пар-варишини ҳам йўлга қўйдик. Хо-

риждан яна 1000 бош шиншилла ҳамда 2000 бош норка сотиб олиш юзасидан шартномалар туздик. Уларни кўпайтириб, ке-лажақда экспортга йўналтириш ниятидамиз...

Гиждудон туманида тут бар-гидан чой тайёрлаш корхонаси ҳам барпо этилмоқда. Бу лойиҳа “Бухоро бриллиант силк” корхо-наси ва хитойлик сармоядорлар билан ҳамкорликда рўёбга чиқа-рилаяпти.

Тут чойи кальций, калий, нат-рий, темир, цинк каби минерал-ларга, турли витаминларга бой. Мухими, у экспортбоп маҳсулот саналади. Янги корхона 2019 йл-да 1,4 миллион АҚШ доллари

Туркияда Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятларига қизиқиш кучаймоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мақолаларда сайёҳликни жадал ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон давлат сийасатидаги асосий йўналишлар, устуворликлар ҳамда уларнинг самарала-ри кенг ёритилган. Уларда мамлакатимизда сайёҳлик-нинг янги имкониятлари, хорижлик сайёҳлар ва ту-ризм индустриyasi сармоя-дорлари учун яратилаётган қулай шaroитларга алоҳи-да эътибор қаратилган.

“Dis Ticaret” иқтисодий журналида таъкидлангани-дек, сайёҳлик Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик жабҳаси сифатида белги-ланган. Мамлакатимизда Туркия фуқаролари учун ўттиз кунлик визасиз ре-жим тартиби жорий этил-гани, халқаро ҳамда мин-тақавий сайёҳлик бозори-га таъсир кўрсатишга қодир бўлган туб ислохот-лар амалга оширилаётгани ҳақидаги таҳлилий маълу-мотлар зарур рақамлар би-лан бирга, мазкур махсус

сон саҳифаларидан жой олган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Ўзбекистон Олий Мажлисига йўллаган, Туркия ижтимоий-сийсий ва ишбилармон доиралари-да ҳам катта қизиқиш уй-ғотган Мурожаатномасига алоҳида бўлим бағишлан-ган. Унда мазмун-моҳияти нуқтаи назаридан ушбу Мурожаатноманинг амалий ҳамда тарихий аҳамияти кўрсатиб ўтилган. 2018 йил мамлакатимизда “Фаол тadbиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинганга ҳам алоҳида эътибор қаратил-ган. Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг мазкур Мурожаатномаси Ўзбекистонни ривожла-нишнинг янги босқичига олиб чиқишга хизмат қила-диган муҳим гоғларга жуда бойдир.

«Дунё» АА. Анқара

Инновация

Бир йилда тўрт марта ҳосил олишнинг сири нимада?



ГИДРОПОНИКА — сазбавот етиштириш бўйича энг самарали усуллардан бири. Чунки у қўлланилса, экин ҳосилдорлиги ва касаликларга чидамлилиги ортиб, анъанавий иссиқхоналарга нисбатан қарийб

2 — 2,5 баробар кўп ҳосил олиш мумкин.

баробар кўп ҳосил олиш мумкин.

Қувасойдаги “Исфайрам қурилиш” масъулияти чек-ланган жамиятига қарашли намунавий иссиқхонани қуриш жараёнида, аввало, қуёшнинг ҳаракатланишига аҳамият берилди.

Жорий йил бошида қуриб битказилган бир гектарлик ушбу иссиқхона яримайла-на металл конструкцияли бўлиб, полиэтилен плёнка билан қопланган. Ёзининг жа-зираси ойларида ўсимлик-лари қуёшнинг ўтти ҳаро-рати таъсиридан ҳимоя қилувчи, қишда эса иссиқ-лики сакловчи пардалар, махсус ҳимоя тўрлари би-лан ўралган.

Қолаверса, ҳаво намли-гини тартибга солувчи ту-манлаткич ускунаси, шамол-латиш тизими, совитишга мўлжалланган компрессор, ҳаво ҳарорати, намлик ҳамда иссиқлигини ўлчайди-ган асбоблар, мўътадил-лаштирадиган радиаторлар ҳам мавжудлиги ҳосил қўи-нининг юқори бўлишида кат-та роль ўйнамоқда. Қозон-хонадаги махсус тугмачалар босилса, киёф: сув ва ми-нерал ўғитлар ҳар соатда меъёрида қўчат тубигага етиб боради.

Бугунги кунда бу ерда “Донотино” навли 21 минг туп помидор қўчати Жану-бий Корея технологияси асосида парваришланапти. Ҳосил пишиб етилгач, Рос-сияга экспорт қилиш қўзда тутилган.

— Жанубий Кореядан 300 минг АҚШ долларилик технология келтирилган бўлса, 1 миллиард сўм гид-ропоника иссиқхонаси қури-лишига сарфланди, — дей-ди корхона раҳбари Алишер Фозилов. — Помидор пишиш даври 20 — 30 кунга қисқа-риши, ҳосил бериш даври эса 50 — 60 кунга узайиши баробарида, бир йилда тўрт марта ҳосил олиш мумкин-лиги бу усулнинг афзаллик-ларини қўрсатади.

“Исфайрам қурилиш” МЧЖ томонидан мазкур те-хнология асосида иссиқхона бунёд этиш учун қўшимча бир гектар ер майдони тай-ёрланди. Яқин кунларда за-монавий иссиқхоналардан яна бири ишга туширилгач, Фарғонада экспортбоп ма-ҳсулотлар етиштириш ҳажми бундан-да кўпаяди.

Элёржон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

Одамлар дилидаги ташаббус илгари сурилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Ҳар бир оила — тadbиркор” дастури асосида халқни рози қилиш, бандлигини таъминлаш ҳақидаги так-лифларни мамнуният билан қарши олдик. Бундай эътибор ҳамда ғамхўр-лик учун Андижон халқи давлатимиз раҳбари олиб бораётган ислохот ва сиёсатдан чексиз миннатдор. Президентимизнинг мана бу сўзлари ҳаммамизни янада масъулиятли бўлишга қорлади: “Халқни рози қилиш учун икки соат кам ухлаш, 4 соат кўпроқ юриш кифой”.

Мен маҳалла раиси сифатида давлатимиз раҳбарининг шу гапини ўзимга шior қилиб олдим. Ҳар бир хонадонни тadbиркорликка тортиш учун камроқ ухлаб, кўпроқ ишласак, эл-юрт-нинг кўнглини топсак, рози этсак, ўз вазифамизни бажарган бўламиз.

Юртбошимизнинг вилоятимизга ташрифидан сўнг тadbиркорлиқни бошлашга аҳд қилганлар сони ошганини ҳам мамнуният билан қайд этишим ўринли бўлади. Масалан, шу қисқа вақтда юздан ортиқ фуқаролар бизнес билан шуғулланиш истагини билдириб, мурожаат қилиб келди! Бундай манзарога эса фаолиятим дав-вомида биринчи бор дуч келдим.

Демак, Президентимиз халқимизнинг айнан дилидаги ғалпи ўртага ташлаган экан. Қолаверса, у киши ташриф буюр-ган санаот корхоналарини, иқтисодиёт

тармоқлари, аграр тузилмалар фао-лияти, ободонлаштириш ишлари билан танишиш асосида иқтисодиётни та-раққий топтириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳоли даромадини юк-салтириш, қисқача айтганда, халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратил-ган қимматли фикрларни билдирдилар, таклифларни илгари сурдилар. Истикбoли лойиҳаларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш бўйича мутасаддилар-га зарур топишиқлар бердилар.

Давлатимиз раҳбарининг Андижон-га у ташрифидан бу ташрифигача бўлган оралиқ муддатда вилоятимиз кибёфаси сезиларли даражада ўзгариб бораётганини ҳисобга олсак, Президентимизнинг бу галги сафари ҳам ҳар жиҳатдан фойдали, самарали, натижаларга бой бўлади, деб ўйлай-миз. Ана шу ишонч тўфайли бўлса керак, андижонликлар шаънига айтган илпик фикрлари бизни янада жўшиб, фидокорона меҳнат қилишга, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўишига ундамоқда. Бу, ўз навбатида, халқи-миз ишончини оқлаш, ютуқларни қўлга киритиш бўйича республикамизда барча соҳада сафининг олдида туришга рағбат беради.

Тожибар ЮЛДАШЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Хўжаобод туманидаги «Шаҳрихонсой» МФЙ раиси.

Солиқдан қарзингиз борми?

Уни ўз вақтида тўлаш барқарорлик гаровидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 17 апрель кун иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, дебитор, кредитор ва бюджет олдидаги қарздорлиқни камайтириш бўйича қўрилаётган чора-тadbирлар таҳлилига бағишлаб ўтказган йиғилишда берилган топишиқлар ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ТАДБИР

Жумладан, Ўзбекистон Рес-публикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бю-роси Тошкент вилояти бошқар-маси ҳамда вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мав-жуд солиқ қарзларини ундириш бўйича мунтазам равишда тadbирлар ўтказилаяпти. Ана шун-дай тadbирларнинг бири Ўрта Чирчиқ туманида ташкил этилди.

Ўртасарой маҳалласида яшов-чи Нортжон Холиқова ўтган йили ёз мавсумида яхши ният билан ошхона очган эди. Қузга келиб савдо ҳажми пасайиб кетганли-ги сабабли корхона ёпилди. Ле-кин туман солиқ инспекциясини оғохлантириш ҳаёлидан кўтарил-ди. Ўтган вақт давомида яқка тар-тибдаги тadbиркорнинг солиқ ол-дидаги қарзи 1 миллион 500 минг сўмдан ошиб кетди. Қарздорлик-ни ундириш ҳақида фуқаролик

ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг буйруғи ижрога қаратилди. Тadbир иштирокчилари фуқаронинг яшаш манзилига чиқиб, мол-мул-қини хатлаш жараёнида мавжуд қарздорлик тўлалигига қопланди. Богдорчиликка ихтисослашти-рилган “Хосият — Наргиза” фер-мер хўжалигининг солиқдан қарзи 10 миллион сўмга яқинла-шиб қолган эди. Хўжалик раҳба-ри Файрат Аҳмедов шу кунпёқ қарзининг тўртдан бир қисмини тўлаб берди. Қолган қисмини эса бир ҳафта ичида тўлаши ҳақида тилхат ёзди. Ушбу мазмундаги тил-хат шу кўннинг ўзида 10 миллион сўм миқдоридagi қарзидан қўтулиб, 6 миллион сўмга яқин қарздорлиғи қолган “Қумуш тон” фермер хўжалиғи раҳбари Улугбек Муҳиддиновдан ҳам олинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўрта Чирчиқ тумани давлат солиқ инспекция-си томонидан йил бошидан буён боқимандалиқни қисқартириш бўйича олиб борилган тadbир-лар натижаасида юридик шахс-ларнинг салкам 8 миллиард сўмлик қарзининг 3 миллиард сўмдан кўпроғи ундирилди. Жис-моний шахсларнинг йил боши-даги салкам 2 миллиард сўмлик қарздорлигининг эса тўртдан бир қисми тўланди. Яқка тартибдаги тadbиркорлар қарзларини унди-риш бўйича ҳам деярли ана шун-дай натижага эришилди.

Туманда бўлиб ўтган мазкур тadbирда катнашганлар аксари-и ҳолларда қарздорлар эътиро-зига ғувох бўлдилар. Гап шундаки, фуқароларнинг солиқ олдидаги қарзлари ҳақида-ги маълумотлар, бу ҳақида суд ҳужжатлари аксарият ҳолларда жойларга ўз вақтида етиб бор-маяпти. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро ахборот алмашиш тизими-ни янада такомиллаштириш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорли-гини ошириш лозимлигини тақозо этади.

Ушбу йўналишдаги тadbирлар вилоятнинг бошқа худудларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

банкн Бошқарувининг 2018 йил 24 феврал-даги 7/9-сон “Ўзбекистон Республикаси Мар-казий банки томонидан микрокредит таш-килотлари ва ломбардлар фаолиятини тек-шириш тартиби тўғрисидаги низоми тас-диқлаш ҳақида”ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002 (2018 йил 1 июндан қучга қиради).

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 апрелдаги 78-сон “Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларда қўзда тутилган йиллик режалаштирилган даромадлар ва харажатлар ҳажмларини чораклар бўйича тақсимлаш, тузиш, тadbирларни ва таш-килотларни молиялаштириш бўйича, бюд-жет ихроси жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқ, шунингдек унга ўзгар-тиришлар ва қўшимчаларни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1025-3 (2018 йил 26 апрелдан қучга қиради).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий

банкн Бошқарувининг 2018 йил 24 феврал-даги 7/9-сон “Ўзбекистон Республикаси Мар-казий банки томонидан микрокредит таш-килотлари ва ломбардлар фаолиятини тек-шириш тартиби тўғрисидаги низоми тас-диқлаш ҳақида”ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2209-2 (2018 йил 26 апрелдан қучга қиради).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 март-даги 9/14-сон “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (тек-шириш) ўтказиш тартиби тўғрисидаги ни-зомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга ўзгар-тиришлар киритиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 26 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2217-2 (2018 йил 26 апрелдан қучга қиради).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 16 апрел-

II. Давлат реестридан чиқарилди: 1. Ўзбекистон Республикаси молия

вазирининг “Қорақалпоғистон Республи-каси ва маҳаллий бюджетларда қўзда ту-тилган йиллик режалаштирилган даро-мадлар ва харажатлар ҳажмларини чо-раклар бўйича тақсимлаш, тузиш, тadbирларни ва ташкилотларни молиялаш-тириш бўйича, бюджет ихроси жараё-нида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида йўриқ-номани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1025, 2001 йил 12 ап-рель), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1025-1, 2002 йил 22 июль), (рўйхат рақами 1025-2, 2004 йил 20 октябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 25 ап-релдаги 239-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчилиқка ўзгартириш киритилиши ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЗИЁДАН БАҲРАМАНДЛИК ШУКУҲИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирнинг очилишида давлатимиз раҳбарининг китоб ишлаб чиқариш ҳамда китобхонлик маданиятини янада яхшилаш масаласига қўйинчаклик билан ёндашаётганида теран маъно, эзгу мақсадлар муқассам экани таъкидланди. Чўки китоб нафақат билим манбаи, балки тафаккур қайроғи, ақл чироғи, кўнгил табиби, руҳият озғигидир.

Бу йилги анжуман ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзига хослик касб этмоқда. Аввало, бир вақтлар ёзувчи-шоирлар, зиёлилар билан учрашувлар, шеърхонлиқлар, суҳбатлар ва бошқа турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинган масканга яна маънавият, маърифат қайтди. Халқимиз бундан беҳад мамнун. Ижодкорлар билан суҳбат қураётган ёшлар, турфа китоблар тўла расталарни бирма-бир қўздан кечираётган китобхонлар, мақолу шоирлар, турли эртақ қорахоналари расмлари туширилган баннерларга ўзига хос иштиёқ ҳамда қизиқиш билан боқиб турган жажжи болажонлар — барчанинг юз-кўзидаги хуррамликдан, кайфиятидаги кўтаринкиликдан бу яққол сезилиб турибди.

Осийшта юртимизга, зиёли, бағрикенг, маънавиятли халқимизга мана шундай байрамлар ярашади, — дейди Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиiddин Саййид. — Бундай тадбирлар инсониятнинг буюк мўъжизаси бўлган китобларнинг хонадонларимизга янада кўпроқ кириб келишига туртки бўлади. Зеро, бугунги глобаллашган дунёда китоб ўқишга, фикрлашга, маънавий иммунитетни мустаҳкамлашга ҳар қанонгидан-да аҳтиёж катта. Китоб эса соҳибқирон бобомиз ўз тузулишида таъкидлаганидек, барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму доношининг асоси, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир. Яна бир ўзига хос жиҳат

шуки, бу йилги тадбирга нафақат китоб муҳиблари ҳамда ишлаб чиқарувчилари, балки ушбу тафаккур маънавилини аҳолига етказиб бериш билан шуғулланиб келаётган тадбиркорлар ҳам тақдиф қилинди. Ана шундай бизнес субъектлари ўртасида ўтказилган "Намунали китоб дўкони" танловининг худудий босқичи ғолиблари тантанали тарзда тақдирланди.

севарларни қутлаймиз!" номи чиқишлари ййилганларга кўтаринки кайфият улашмоқда. Икки кун давом этадиган байрамда "Энг яхши китобхон оила", "Энг яхши китобхон", "Ёш китобхон" каби совринли виториналар, "Китоб ўқишни ёқтирасизми?" мавзусида ижтимоий сўровлар ўтказиш режалаштирилган. Нашриётлар, ижодий уйлар ҳамда матбаа

— **Давлатимиз раҳбарининг соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратаётгани ҳар биримизни ҳаракатга, маънавий бедорликка ундаши турган гап, — дейди танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ғолиби, тадбиркор Сейдабдулла Медетов. — Юртбошимиз ўтган йил январь ойида Қорақалпоғистон Республикасига таширифи давомиди ёш ишбилармонлар билан суҳбатлашди. Учрашувда Шуманай тумани марказида ёшлар учун китоб дўкони очилиши тақдирини таъкидлади. Уни амалга оширишга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан 500 миллион сўм ҳомилийк маблағи ажратилди. Бугун 2 қаватли замонавий "Китоб олами" савдо мажмуасида ўзбек, қорақалпоқ ҳамда жасхон адабиётининг юздан зиёд номдаги дурдоналари, ўқув қўлланмалари савдоси йўлга қўйилган. Шунингдек, ўқув зали, янги адабиётлар курсазмаси, электрон кутубхона, интернет-клуб фаолият олиб бормоқда. Амалга ошираётган ишларимиз юқори баҳолиланган, пойтахтимизда ўтаётган китоб байрамига тақдиф этилганимдан, рағбатлантирилганимдан беҳад мамнунман.**

Тадбирда нашриётлар, ижодий уйлар, матбаа корхоналари, китоб савдоси таъкидотлари китоб ва китоб маҳсулотларини намойиш этмоқда. Меҳмонларнинг улар билан танишиши, харид қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Шоир ёзувчилар, Ўзғил урчашувлар, санъаткорлар ҳамда ёш истеъдод эгалари, шунингдек, Республика ёш томошабинлар театри, Республика кўғирчоқ театри жамоаларининг ва турли болалар санъат гуруҳларининг "Китоб-

корхоналарининг "Энг фаол иштирокчи", "Энг яхши стенд" номинантияларида тақдирланиши тадбир шукуҳини янада оширади.

...Байрамдан қайтарганимиз, кўларига китобларни тутган шодон дўстларимизни учратдик. Бир-биридан бежирим, нафис мўқоваланган китоблар ялтираб, бизга қулиб қараётгандек туюлди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

Ёшлар — Ўзбекистон келажаги

Халқимизнинг энг улуғ орзуси — баркамол авлодни тарбиялаш масаласи ёшларнинг онги ва қалбида бўшлиқлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларнинг бутун фикри-зикрини билим олишга жалб қилишни тақозо этмоқда. Бу борада мактаб ўқувчиларининг кийинишини тартибга солиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мактаб формаси: ЗАМОНАВИЙ БИЧИМ, ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ ВА УМУМИЙ ТАНЛОВ

Президентимиз 2017 йил 16 август куни таълим тизимидаги ислохотларнинг бориши бўйича ўтказган мажлисда ушбу масалага алоҳида тўхталди. 2018/2019 ўқув йилидан умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун мактаб формасини жорий қилиш бўйича мутасадди вазирлик ва идораларга зарур топшириқлар берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мактабларда жорий этилаётган ягона форма отоналар ҳамда ўқувчилар билан фикрлашилган ва келишилган ҳолда, мамлакатимиз иқлим шaroитига мос қилиб тайёрланди.

Бугунги кунда "Ўзтўқима-чиликсаноат" уюшмаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан етакчи дизайнерлар жалб қилиниб, кўп вариантлик асосида формаларнинг турли намуналари яратилди ва кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Танланган ўн хил-

даги намунавий мактаб формалари отоналар соҳа мутахассислари иштирокида муҳокама қилинмоқда.

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессияси ҳам айни шу мавзуга бағишланди. Унда мутасадди таъкидотлар ҳамда идоралар вакиллари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессор-ўқитувчилари ҳамда бир гуруҳ талабалари, журналистлар қатнашди.

Қайд этилганидек, мактаб формаси замонавий бичим, инновацион ёндашув асосида тайёрланиши, аҳолининг умумий танловига мос келиши керак.

— Шуни ҳисобга олган ҳолда, қатор чора-тадбирларни амалга ошираёلمиз, — дейди Халқ таълими вазирлигининг бошқарма бошлиғи Ҳикматилла Даминов. — Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 ян-

Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинади.

Тадбирда тавсия этилаётган мактаб формалари намойиш қилинди. Мазкур моделларнинг инсон саломатлигига таъсири, дизайни, миллий менталитетга мослиги бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Формалар Ўзбекистон Республикаси Стандартлаштириш, метрология ва сертифицирлаштириш агентлиги стандартлари, санитария



ёшларнинг табиатига ҳамоҳанг бўлиши, ҳаётбахш рангларда яратилди.

Намунавий шакллардаги мактаб формалари тасдиқлангач, уларни тикиш нархларининг ижтимоий ҳамма-боплиги таъминланган ҳолда, ҳудудлардаги тегишли қувватга эга ишлаб чиқарувчиларга топширилади. Тайёр формалар эса жорий йил июль ойидан бошлаб аҳолига қулай ҳолда ташкил этиладиган иxtирослаштирилган савдо шохобчаларида сотила бошлайди.

Мактаб формаларини харид қилиш учун аҳолига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасини ошмайдиган фoиз ставкаси бўйича қисқа муддатли микрокредитлар ажратилиши ҳам режалаштирилган.

Мактабларда ягона форманинг жорий қилиниши ўқувчилар эътиборини таълим олишга тўлиқ жалб этишга, улар орасида ижтимоий тенглик, ҳамкорлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилади.

Д. ЙЎЛДОШЕВ.

Тадбиркорлик сирлари

Имконияти чекланган ёшлар ва уларнинг отоналари учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан ушбу мавзуда семинар-тренинг ташкил этилди.

Семинар

Ноғиронлиги бўлган шахсларга психологик ёрдам курсатиш, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш, ўзларига ишончини мустаҳкамлаш орқали ҳаётдан ўз ўрнини топишларида кўмаклашиш мақсадида ўтказилган тадбирда таниқли тадбиркорлар, психологлар, педагоглар қатнашди.

— Ҳар бир инсонда муайян истеъдод мавжуд, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қoшидаги Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази директори Раъно Шодиева. — У баъзан яширин бўлади. Агар унга эътибор қаратилиб, қанот ёзиши учун имконият яратилса, юксак парвоз қилиши мумкин. Мазкур тадбирда ёшларга тадбиркорлик сирларини очишга интилдик. Зеро, улар истиқболли гоё ва ташаббусларга бой. Ўзлари қизикқан иш билан шуғулланишга, келажакда муваффақиятларга эришиши аниқ.

"Ишбилармонлик мотивацияси", "Муваффақиятли инсон қандай фазилатлар соҳиби бўлади?", "Тадбиркорлик учун гоё танлашда нимага эътибор қаратиш лoзим?", "Бизнес режанинг аҳамияти", "Корхонанинг юридик мақоми ва кредит олишнинг ҳуқуқий жиҳатлари" каби мавзулардаги маъруза ва тренинг-машғулотлар ёшларда катта таассурот қолдирди.

— Электрон ва аналог китобларни қўзи оғиз инсонларга мослаштириш лoйиҳасини ҳаётга таъбиқ этиш устида ишлаб, — дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Жўрабек Қаҳҳоров. — Тадбирда бу борада эътибор қаратишим зарур бўлган жиҳатлар, тартиб-қоидалар, бизнес ҳамкорлар билан ишлаш бўйича муҳим тушунча ва кўрсатмаларга эга бўлдим.

М. АҲМАДЖОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«KO'CHMAS MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига тақдиф этади.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдосига «Агробанк» АТБ Марказий амалиётлар бошқармасининг 2018 йил 18 майдаги 22-08/147-сонли хатига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Гулбахор» ШФЙ, Қўқаламзор маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 2722,0 кв.м., қурилиш ости майдони 909,61 кв.м., фойдаланиш майдони 1066,04 кв.м. бўлган банк биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 100 020 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 26 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-«А» уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Савдо бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2018 йил 3 ва 10 июль кунлари ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18.00 тўхтатилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Аукцион савдоларида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўyxатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил иштирок этган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган санадан бошлаб 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Davr bank» ХАТБ Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига: 22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519, савдода иштирок этиш учун ариза топширигунга қадар тўлашлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-«А» уй.
Телефонлар: (0-671) 228-80-27, 228-80-26.
www.1kms.uz.
Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru
Хизматлар лицензияланган.

«Zamin Eko Agro» корхонаси галладан бўшаган майдонларга экиш учун «NS SEME» (Сербия) компаниясида ишлаб чиқарилган сифатли ва серхосил маккажўхори ҳамда кунгабоқар уруғларини тақдиф қилади:

Маккажўхори — NS 205 F1. Эртапишар дурагай. Вегетация даври — 90 кун. Ҳосилдорлиги — 10 т/га.

Кунгабоқар — Душко F1. Эртапишар дурагай. Вегетация даври — 80 — 90 кун. Ҳосилдорлиги — 3-4 т/га.

Уруғлар синовдан ўтган, сертификатланган ва Давлат реестрига киритилган.

Муваффақият уруғларини экинг...

zeo

«ZAMIN EKO AGRO»
Тошкент ш., М-39 автомагистрал,
тел: (+99897) 130-51-21, 755-02-55,
факс (+99871) 150-15-89.
www.zeo.uz

Изланиш

Халқаро қуёш энергияси институти, физика-техника институти ва Гулистон давлат университети олимлари томонидан яратилган қуёш сувситкич коллектори электр энергияси ва газ таъминоти этиб бормаган дала шароитларида фойдаланишга мўлжалланган.

Қуёш сувситкич коллектори

— Мазкур коллектор воситасида ҳеч қандай ҳаражатсиз кунига 500 литр суви қуёш нури остида 60 даражагача иситиш мумкин, — дейди Гулистон давлат университетининг физика кафедраси доценти Шавқи Ниёзов. — Уни барпо этиш учун цемент, рубероид, қора битум, плёнка, ёғон қириндиси ва қамиш ишлатилиб, ҳар бир фермер дала шийпониди ўз қўли билан қуриб олиш имконига эга бўлади.

Сайхунобод тумани фермер хўжаликларида бу янгиликни қўллаш бўйича савй-ҳаракатлар олиб бoрилмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

amkorop **САЛЕО** **AMKODOP - СЕМАШ**

«AMKODOP-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOP» «САЛЕО» «AMKODOP-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар

MT3 базасидаги юклагичли экскаваторлар

занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар

санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва саклаш учун мажмуалар

гидравлика

Махсулот сертификатланган.

Тел./факс: (+99871) 283-42-18, тел.: (+99871) 283-42-17. Моб.: (+99890) 974-00-61, 974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қoғoз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.

Навбатчи — Ю. Бўронов.

Мусахҳих — С. Исмолов.